

Маҳаллалардаги тупроқ йўллар тошланмоқда



Халқ депутатлари туман Кенгаши, туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шеробод туманидаги Халқ қабулхонаси, Фавқулодда вазиятлар бўлими, Ободонлаштириш бошқармаси, йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда маҳаллалардаги тупроқли йўлларга тош тўшаш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан 2020 йилда туманда 25 км тупроқли йўллар тошланган бўлса ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб 97 км ташкил этмоқда. Биргина тумандаги “Меҳнатобод” маҳалласининг энг чекка ҳудудидаги амалга оширилаётган ишлар мисолида кўришимиз мумкин.